

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

| | |
|---|------------|
| Л. Бегимкулова | |
| Қора тотор ва ироқликларнинг Мовароуннаҳрдан кўчиши ҳамда унга таъсир қилган омиллар..... | 171 |
| Ш.Рискулов | |
| XIX асрнинг сўнгги чораги ва XX аср бошларида Афғонистондаги геосиёсий вазият..... | 174 |
| А.Нишонов | |
| Фарғона водийсининг биринчи шайбоний ҳоқими..... | 179 |
| С.Мўминов, Н.Кўлдашев | |
| Навоийнинг сўз қуввати..... | 182 |
| Ф.Маматкулова | |
| “Тоҳир ва Зухра” достонининг Қашқадарёга хос талқини..... | 185 |
| Ш.Низамова | |
| Тахаллуслар билан боғлиқ шеърий санъат ва унсурлар хусусида..... | 189 |
| М.Нуъмонжонова | |
| Зебо Ғаниева жасорати..... | 193 |
| С.Хақназарова | |
| Абдулла Шер ижодида Ватан манзаралари..... | 196 |
| М.Хамидов | |
| Ўзбек шеъриятида Машраб образи талқини..... | 198 |
| Г.Ҳимматова | |
| Характер руҳияти психологизми (Қўчқор Норқобил ижоди мисолида)..... | 201 |
| И.Доронина | |
| XX аср адабиётида модернистик оқимлар, футуризмнинг ўзига хос хусусиятлари ва унинг ҳар хил турлари..... | 204 |
| Э.Гиздулин | |
| И.Бродский лирикаси турларининг хилма-хиллиги..... | 207 |
| Г.Розиқова, Э.Маруфова | |
| Ўзбек тили лексикасининг шакл ва маъно жиҳатидан ўзгариши..... | 210 |
| Д.Юлдашева | |
| Болаларга хос оғзаки ва ёзма матнларнинг яратилишида лингвистик гештальт хусусида..... | 214 |
| Н.Умарова, Х.Фаттоҳов | |
| Арабча ўзлашмалар ва уларнинг Навоий асарларида қўлланиши..... | 217 |
| Н.Расулова | |
| Тиббий терминлар ўқув луғатини тузиш тамойиллари..... | 220 |
| М.Саидова | |
| К.Болдикнинг “Адабиётшунослик терминларининг қисқача изоҳли оксфорд луғати”даги мураккаб таркибли адабиётшунослик терминлари таҳлили..... | 223 |
| Н.Каримова | |
| Тил материалларини ўрганишга ёндашувнинг долзарб масалалари..... | 228 |
| З.Позилжонова | |
| Маданиятлараро мулоқотда новербал мулоқот турлари..... | 231 |
| Н.Турсунова | |
| Фраземанинг тил бирлиги мақоми хусусида..... | 235 |
| Ф.Анварова | |
| Хорижий тилларнинг давлат тилида иш юритувчилар фаолиятида тутган ўрни..... | 238 |
| Ф.Раҳматов, М.Ахмаджонов, М.Мирзарахимов | |
| Клиент сервер технологиясига асосланган реал вақт тизимларида Firebase NoSQL базаларидан фойдаланиш | 243 |
| ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ | |
| Халқпарвар, ватанпарвар, забардаст файласуф олим (1929-2003)..... | 246 |

УДК: 61+811.161.11+034

ТИББИЙ ТЕРМИНЛАР ЎҚУВ ЛУҒАТИНИ ТУЗИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

ПРИНЦИПЫ СОСТАВЛЕНИЯ УЧЕБНОГО СЛОВАРЯ МЕДИЦИНСКИХ ТЕРМИНОВ

PRINCIPLES OF COMPILING MEDICAL TERMINOLOGICAL DICTIONARY

Н.Расулова¹¹Н.Расулова

— Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти ўзбек тили ва чет тиллар кафедраси, инглиз тили ўқитувчиси.

Аннотация

Мақолада тиббий терминлар ҳам сон жиҳатидан, ҳам сифат жиҳатидан жиддий лингвистик таҳлилга муҳтожлиги, уларнинг структур-семантик нуқтаи назардан тадқиқи нафақат замонавий терминологиянинг долзарб йўналишларидан, балки ҳозирги замон терминологиясининг кечиктириб бўлмас масалаларидан бири бўлиб қолганлиги мухтасар баён қилинган.

Аннотация

В статье изложена необходимость серьезного лингвистического анализа медицинских терминов, как в количественном, так и в качественном отношении, структурно-семантическое изучение которых стало не только одним из актуальных направлений современной терминологии, но и одним из самых актуальных вопросов современной терминологии.

Annotation

The article summarizes the need for serious linguistic analysis of medical terms, both quantitatively and qualitatively, and their study from a structural-semantic point of view has become not only one of the current trends in modern terminology, but also one of the most pressing issues of modern terminology.

Калит сўз ва иборалар: тиббиёт, луғатшунослик, ўқув луғат, унификация, кодлаштириш, терминологик луғатлар

Ключевые слова и выражения: медицина, лексикография, учебный словарь, унификация, кодирование, терминологические словари

Keywords and expressions: medicine, lexicography, dictionary, unification, coding, terminological dictionaries

Тиббиёт, медицина, табобат – кишилар соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш, уларнинг умрини узайтириш, касалликларнинг олдини олиш, даволаш ҳақидаги билимлар ва шу соҳадаги амалий тадбирлар мажмуи бўлиб [<https://medlife.uz/encyclopedia/t/tibbiyot/>], тиббиёт терминологияси – мутахассислик (шифокорлар) тили сифатида қабул қилинган, ҳамма учун тушунарли бўлган ҳодисанинг моҳиятини ақс эттирадиган ва тиббиётда бир ҳодисанинг семантик маъносини билдирувчи термин тизим сифатида белгиланади [<https://pdnr.ru/a7320.html>].

Замонавий тиббий тараққиёт натижасида тиббиётнинг бир қатор янги йўналиш ва соҳалари шаклланмоқда. Ҳар бир йўналишнинг ўз терминологик тизими вужудга келмоқда. Тиббий кашфиётлар тезлиги, тиббий терминологик кўламини бойитиш билан бирга, бир тартибга солинмаганлиги сабабли нафақат

мутахассисларга, балки бўлғуси тиббиёт ходимлари, талабаларга етарлича қийинчиликлар туғдирмоқда. Немис тилшунос олимларининг таъкидлашича, ҳозирги кунда 30 мингдан ортиқ фақат касалликларнинг номлари аниқланган. 60 мингдан ортиқ дори-дармонлар номлари қайд этилган. [Умархўжаев М. Олмон тили лексикологияси ва фразеологияси. Андижон. 2010 й].

Эътибор беринг, биргина касалликларнинг номлари 30 мингдан ортиқ бўлса, бошқа тиббий йўналишларида қанча бўлиши мумкин?

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, тиббий терминлар ҳам сон жиҳатдан, ҳам сифат жиҳатдан жиддий лингвистик таҳлилга муҳтож. Уларнинг структур-семантик нуқтаи-назардан тадқиқи нафақат замонавий терминологиянинг долзарб йўналишларидан, балки ҳозирги замон терминологиясининг кечиктириб

бўлмас масалаларидан бири бўлиб қолган. У ёки бу сўзнинг терминологик хусусиятини аниқлаш; «узуал» ёки «оказионал» ҳолатини белгилаш; терминлар маъносини очиш мақсадида уларга изоҳ бериш усуллари; икки ёки кўп тилли луғатларда терминларнинг эквивалентлик хусусиятларини ҳамда уларни унификация қилиш масалалари терминологик тамойиллар асосида тадқиқ қилинишини тақозо этмоқда. Замонавий тиббий терминология ривожини, албатта, мавжуд тарихий терминологик луғатлар асосида ривожланмоқда. Терминологик луғатлар тарихи алоҳида илмий изланиш мавзуси бўлишлигини инобатга олган ҳолда луғатларнинг яратилиши, луғатларда кодификация қилинган терминларнинг сони ва сифатлари ҳақида ва бошқа хусусиятлари тўғрисида баъзи бир фикр-мулоҳазалар билдириш билан чегараланамиз. Чунки тиббий терминлар луғатларини тузиш узоқ тарихга эга. Терминологик луғатларнинг мақсад ва вазифаларига кўра киритилган терминлар кўлами, уларни изоҳлаш тамойиллари турлича. Бир тилли изоҳли терминологик луғатларнинг ўз хусусиятлари бўлгани каби, икки ёки кўп тилли терминлар луғатларининг терминлар ўртасидаги эквивалентлик муносабатларини аниқлашда уларни унификация қилишда бир қатор мураккаб ҳолатлар мавжуд. Булардан ташқари, бир қатор луғатларнинг адресатлари аниқ белгиланмаганлиги натижасида луғатларда кодлаштириладиган терминларни танлашда, сон жиҳатидан изоҳлашда ҳам авторларнинг «субъектив-ихтиёрийлиги» кўзга ташланади.

Луғатлар сўз бошида доимо таъкидланаверадиган, «Луғат кенг омма учун мўлжалланган» каби гаплар луғатшуносларни бир қатор масъулиятлардан озод қилганга ўхшайди.

Луғатга ушбу тамойил орқали терминлар захирасини танлаш балки катта «академик» луғатлар учун асос бўлиши мумкин. Лекин сон жиҳатдан чегараланган маълум ўқувчи қатламига мўлжалланган луғатларга бундай ҳолатда сўзларни танлаш илмий асоссиз ҳисобланади.

Чунки, ҳар бир кодлаш учун танланган термин обдон ҳар томонлама ўрганилмоғи, унинг ўқув дарслик, қўлланмаларда ишлатилиши ҳамда истеъмолда қўлланилиш ҳолатлари тиббий ва лингвистик нуқтаи-

назардан илмий исботланмоғи зарур. Ушбу луғатшунослик тамойилига амал қилинмаган ҳолатда баъзи бир зарур, актуал терминлар луғатдан тушиб қолиб, баъзи бир эскирган, истеъмолдан чиққан, пассив терминлар луғатдан жой олиши мумкин.

Бизнинг назаримизда, бундай ҳолатлар рўй бермаслиги учун тиббиёт институтлари талабаларига мўлжалланган махсус ўқув луғатлари тузиш ва ушбу луғатларнинг бир қатор тамойиллари ишлаб чиқилмоғи керак. Шундагина биз кўзланган мақсадга эришишимиз мумкин. Даставвал ўқув луғатининг адресати аниқ бўлиши керак, яъни кимга мўлжалланаётганлиги, бошланғич босқич талабалари учунми ёки юқори босқич талабаларигами?

Дарвоқе, луғатшуносликнинг бошқа барча тамойиллари адресатни аниқлаш тамойилига боғлиқ. Луғатдаги сўзларнинг сони, сифати, уларни жойлаштириш, изоҳлаш (икки тилликда эквивалент танлаш) ва бошқа бир қатор лингвистик ва полиграфик хусусиятлари айнан ушбу тамойилнинг ечимига боғлиқ.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, тиббиёт институтлари талабалари учун мўлжалланаётган луғат институтда ўқиётган бошланғич ёки учинчи босқичларида ўқитиладиган тиббий фанлар асосида бўлиши керак. Ушбу босқичлардаги дарслик ва қўлланмаларда истифода этиладиган терминлар минимумини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бизнинг дастлабки таҳлилларимиз бундай луғат 1200-1500 терминдан иборат бўлишини кўрсатмоқда.

Анъанага кўра, луғатларда сўзларнинг жойлаштирилиши икки усул билан амалга оширилади: алфавит бўйича ёки мавзули (тематик) усул. Сўзларни алфавит бўйича жойлаштириш илмий асосланмаган. Бу усул қулайлик учун қабул қилинган. Лекин тематик (мавзули) жойлаштириш илмий таҳлиллар асосида амалга оширилади. Бизнинг фикримизча, ўқув луғатларида терминларни мавзули жойлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки бундай жойлаштиришда терминларнинг концепти, синонимик, омонимик, полисемантик хусусиятлари ҳақида кўпроқ информация олиш имконияти пайдо бўлади. Талабаларнинг терминлар ҳақидаги тасавурлари бир қанча бойиган бўлади.

Ўқув луғатининг асосий тамойилларидан яна бири луғатга берилган терминларга атрофлича лингвистик характеристика бўлиши билан бирга, уларни содда, тушунарли, лўнда ҳолатда изоҳлаш тамойилидир. Терминнинг барча семантик майдони ёритиб берилиши ҳам илмий, ҳам амалий аҳамиятга эга бўлади.

Икки тилли терминологик ўқув луғатида терминлар биринчи тилда изоҳланиб, иккинчи тил эквиваленти билан таржима қилиниши керак. Шу боисдан ҳам бундай

луғатлар **изоҳли таржима луғати** деб аталади. Бундай ҳолатда терминнинг асл маъносини очиш қийинчилик туғдирмайди. Шу билан бирга тилни ўрганишда ҳам маълум қўлланма вазифасини бажаради. Бундай луғатлар тузиш жараёнида турли расмлардан, жадваллардан ҳамда замонавий полиграфик ютуқлардан фойдаланиш ўқув луғатининг мазмун-моҳиятини оширган бўлади.

Адабиётлар:

1. Bagana J., Velichkova S.M. Problems of medical terminology (based on the material of the German language). RUDN Bulletin, Linguistics series, 2013, No. 2.
2. Chernyavsky MN A brief outline of the history and problems of ordering medical terminology // Encyclopedic Dictionary of Medical Terms: in 3 volumes. About 60,000 terms / ch. ed. B.V. Petrovsky. - Moscow, 1982.
3. Latin and fundamentals of medical terminology, For medical students, dot. D.K.Kondratev - Grodno – 2005 - 34 p.
4. Medical terminology as a complex term system, Feruza Akbarxodjaeva Independent Researcher Uzbekistan State World Languages University, Tashkent, Uzbekistan, 2020.
5. Motchenko I.V. The main trends in the formation of English medical terminology: author. dis. ... Cand. philol. sciences. - M.: Moscow State Pedagogical University, 2001.
6. Novodranova V.F. Compositional semantics as a reflection of conceptual integration (based on medical terminology). - M., 2002.
7. <https://medlife.uz/encyclopedia/t/tibbiyot/>
8. <https://pdnr.ru/a7320.html>

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор).